

14862 -сонли шартнома

Тошкент шаҳри

2022 йил “ 14.04 ”

МЧЖ “ENERGO LIHOZ TRADE” номидан низом асосида иш юритувчи директор Рустамов С. бир томондан (бундан буён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармаси** номидан Илдамшариф Д асосида иш юритувчи Долбоғиев, иккинчи томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ ўсимликларни зарарли хашоратлардан ҳимоя қилиш ва парваришlash бўйича хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш:
 - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
 - баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
 - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 121 285 742 (бир юз йигирма бир миллион икки юз саксон беш минг етти юз қирқ икки) сўм, ҚҚС билан.

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

3.3. Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисобварақ-фактура имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.4. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.2. Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.3. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.4. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

4.5. Ҳазначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.6. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.7. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.8. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.9. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

4.10. Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

4.11. Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.12. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда мижозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня

5.5. тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.6. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.7. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида

5.8. Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида этказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.9. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, энгиб бўлмас куч таъсирида зарар этказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа

8.2. ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.4. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.5. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.6. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.7. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.8. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-харакатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.9. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.10. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга кирилади ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи:

Буюртмачи:

МЧЖ “ENERGO JIHOZ TRADE”

Адрес: Тошкент вилояти, Каримшоев кучаси 2 уй

Х/с: 2020 8000 6054 7614 7001

Банк реквизитлари: АТБ “InfinBank”

Зангиота филиали

МФО 01080

ИНН: 309 179 094

ОКЭД: 46900

Адрес:

Х/с:

Л/с:

Банк реквизитлари

МФО

ИНН:

ОКЭД:

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG'ALLIKNI QISOQTIRISH VAZIRLIGI MAMURIY BINOLARDAN FOYDALANISH BOSHQARMASI
100003, TOSHKENT sh., I.KARIMOV k., 45A-uy. TEL.: (71)2326386
INN: 201 836 883 OKED: 81100
SH/R BUDJET: 100 010 860 262 947 011 325 140 001
SH/R BUDJET TASH: 400 110 860 262 947 011 325 140 001
G'AZNACHILIK INN: 201 122 919
G'AZNA H/R: 234 020 003 001 000 010 10
MFO: 00014 MB XKKM

Бажарувчи:

Буюртмачи:



Handwritten signatures and stamps of the buyer, including a large blue stamp of the Ministry of Economy and Investment and several handwritten signatures.

2022 йил _____ даги
 _____-сонли шартномага 1-илова

СПЕЙИФИКАЦИЯ

№№	ОБОСНОВАНИЕ	НАИМЕНОВАНИЕ РАБОТ И РЕСУРСОВ	ЕД.ИЗМ	КОЛ-ВО		СТОИМОСТЬ	
				НА ЕДИНИЦУ	ПО ПРОЕКТУ	НА ЕДИНИЦУ	ВСЕГО
1	2	3	4	5	6	7	8
1	E-47-01-067-2	УХОД ЗА ДЕРЕВЬЯМИ ИЛИ КУСТАРНИКАМИ С КОМОМ ЗЕМЛИ РАЗМЕРОМ 0,3X0,3 М (1039ШТ X 8 МЕСЯЦЕВ = 8312ШТ)	10ШТ	831,2			
1.1	00001	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ-Ч	8,34	6932,208	10 458,00	72 497 031,26
2	E-47-01-067-3	УХОД ЗА ДЕРЕВЬЯМИ ИЛИ КУСТАРНИКАМИ С КОМОМ ЗЕМЛИ РАЗМЕРОМ 0,5X0,4 М (64ШТ X 8 МЕСЯЦЕВ = 512ШТ)	10ШТ	51,2			
2.1	00001	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ-Ч	11,86	607,23	10 458,00	6 350 432,26
3	E-47-01-067-4	УХОД ЗА ДЕРЕВЬЯМИ ИЛИ КУСТАРНИКАМИ С КОМОМ ЗЕМЛИ РАЗМЕРОМ 0,8X0,6 М (38ШТ X 8 МЕСЯЦЕВ = 304ШТ))	10ШТ	30,4			
3.1	00001	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ-Ч	24,4	741,76	10 458,00	7 757 326,08
4	E-47-01-080-1	ПРОПОЛКА ГАЗОНОВ (1200М.КВ X 8РАЗ = 10800М.КВ)	100М.КВ	108			
4.1	00001	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ-Ч	2,16	233,280	10 458,00	2 439 642,24
5	E-47-01-080-7	ВЫКАШИВАНИЕ ГАЗОНОВ ПАРТЕРНЫХ И ОБЫКНОВЕННЫХ МОТОРНОЙ КОСИЛКОЙ (1200М.КВ X 32РАЗ = 38400М.КВ)	100М.КВ	384			
5.1	00001	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ-Ч	0,67	257,280	10 458,00	2 690 634,24
6	E-47-02-060-3	РЫХЛЕНИЕ ПРИСТВОЛЬНЫХ ЛУНОК ДИАМЕТРОМ ДО 1М (1141ШТ X 8 МЕСЯЦЕВ = 9128ШТ)	100ШТ	91,28			
6.1	00001	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ-Ч	4,34	396,155	10 458,00	4 142 991,08
ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ							
1		ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ (В Т.Ч. ЕСП)	ЧЕЛ-Ч	9167,92		10 458,00	95 878 057,16
ИТОГО							
		ИТОГО ПРЯМЫЕ РАСХОДЫ					95 878 057,16
		ПРОЧИЕ РАСХОДЫ И ЗАТРАТЫ ПОДРЯДЧИКА 10%					9 587 805,72
		ВСЕГО ПРЯМЫЕ ЗАТРАТЫ И ПРОЧИЕ РАСХОДЫ ПОДРЯДЧИКА					105 465 862,88
		НДС 15%					15 819 879,43
		ВСЕГО СТОИМОСТЬ РАБОТ ЗА 8 МЕСЯЦЕВ С НДС					121 285 742,31
		ВСЕГО СТОИМОСТЬ РАБОТ ЗА ОДИН МЕСЯЦ					15 160 717,79



Сулф



Сулф

4665840



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ENERGO JIHOZ TRADE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ENERGO JIHOZ TRADE" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

07.01.2022

1081450

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so), bilan) yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

309179094

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat


Joylashgan joyi:

Toshkent viloyati, Zangiota tumani, Nazarbek, KARIMSHAYEV KO'CHASI 2
UY.

Guvohnoma:

Toshkent viloyati, Zangiota tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi)





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

QO'SHILGAN QIYMAT SOLIG'I SOLIQ TO'LOVCHISI SIFATIDA RO'YXATDAN
O'TGANLIGI TO'G'RISIDA
G U V O H N O M A

СВИДЕТЕЛЬСТВО
О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

QQS RO'YXAT RAQAMI
РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС 327040181477

Mazkur guvohnoma QQS soliq to'lovchisi sifatida hisobga qo'yilganligi va QQS shaxsiy ro'yxatga olish raqami berilganligini tasdiqlaydi

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

Soliq to'lovchining nomi
Наименование налогоплательщика "ENERGO LHOZ TRADE" MCHJ

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami
Идентификационный номер налогоплательщика 309179094

Shaxs QQS soliq to'lovchisi bo'lgan sana
Дата с которой лицо становится плательщиком НДС 01.02.2022

Ro'yxatdan o'tish sanasi
Дата регистрации 11.02.2022



Ma'lumotnomada ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'riligini tekshirish uchun mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш
вазирлиги Маъмурий бинолардан
фойдаланиш бошқармаси бошлиғи
Д.Юлдашхўжа
« 14 » апрел 2022 йил

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Маъмурий
бинолардан фойдаланиш бошқармаси танлов комиссияси йиғилишининг

5 сон

БАЁННОМАСИ

« 14 » апрел 2022 й.

Тошкент ш.

Раислик қилувчи: Д.Юлдашхўжа - Маъмурий бинолардан
фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, танлов комиссия раиси

Қатнашдилар: М.Ўринбоев, И.Анорбоев, У.Адизов, Н.Мусирманов,
А.Мавлоновлар.

Кун тартиби:

**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
Маъмурий биноси худудидаги дарахт ва гуллардаги ҳар хил ҳашоратлар
ва зараркунандаларни аниқлаш ва уларга қарши чоралар кўриш,
ишлов бериш ва ўғитлаш хизматини муҳокама учун жойлаштириш.**

Д.Юлдашхўжа, М.Ўринбоев, И.Анорбоев, У.Адизов,
Н.Мусирманов, А.Мавлоновлар.

Кун тартибига кўйилган масала юзасидан комиссия раиси
(Д.Юлдашхўжа) сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22
апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунга мувофиқ
товар-хомашё биржасининг расмий etender.uzex.uz веб сайтида 2022 йил 11-
апрелда жойлашган Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш
вазирлиги Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармасининг товар (иш,
хизмат)лар хариди тўғрисидаги 61001-сонли лот рақами бўйича вазирлик
биноси худудидаги дарахт ва гуллардаги ҳар хил ҳашоратлар ва
зараркунандаларни аниқлаш ва уларга қарши чоралар кўриш, ишлов бериш
ва ўғитлаш хизматларини тақдим этган иккита корхона таклифлари билан
комиссия аъзолари атрофлича танишиб чиқдилар.

Бош ҳисобчи - танлов комиссияси аъзоси И. Анорбоев ЎРҚ-684 - сонли
“Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъий риоя қилиш

бўйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур 61001-сонли лот иштирокчилари билан каффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг каффилланган шахси мазкур 61001-сонли лотда иштирок этмаяпти.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Таклиф этилаётган нархлар қуйидагича белгиланган.

1. “SHONKAR SAID” МЧЖ – 144 468 968 сўм

3. “ENERGO LIHOZ TRADE” МЧЖ – 121 285 742 сўм

Комиссия аъзоларининг хулосасига кўра “ENERGO LIHOZ TRADE” МЧЖ корхонаси таклиф қилган нархлар энг паст деб топилди.

Юқоридаги фикрларни инобатга олиб мажлис.


ҚАРОР ҚИЛАДИ:

МБФБнинг “Лифтларга техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш” хизмати учун « ENERGO LIHOZ TRADE »МЧЖ танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ деб белгилансин.


Ушбу баённома ижроси бош ҳисобчи И.Анорбоев зиммасига юклатилсин.

Танлов комиссияси аъзолари:

Бош муҳандис

 М.Ўринбаев.


Бош ҳисобчи

 И.Анорбоев


Юрисконсулт

У.Адизов

Транспорт воситалари бўйича
бош мутахассис

 Н.Мусирмонов.

Котиб: Таъминот ва шартномалар
бўйича мутахассис

 А.Мавлонов